



Умар ибн Абдулазиз Хуросон волийси Абдурахмон ибн Нуаймга фатх юришларини тўхтатиш ва исломни қабул қилганлардан хирож олмаслик тўғрисида буйруқ берган эди. Язид ибн Абдулмалик халифа бўлгач, барча учун хирож солиғи тўлаш белгиланди. Бу эса аҳоли ўртасида норозилик келтириб чиқарди. Мовароуннахрнинг айрим шаҳарлари исломдан қайтиб, эски динларига эътикод қила бошлади. Ирок волийси Маслама ибн Абдулмалик томонидан тайинланган Хуросон волийси Саид ибн Абдулазиз Мовароуннахрнинг Сугд вилоятига юриш қилди. Сугдларга Турк хоконлиги қўшинлари ёрдамга келди. Хуросон волийси сугд ва туркларга қарши юришнинг биринчисида муваффақиятга эришган бўлса-да, кейин мағлубиятга учраб, кўп одамларидан айрилди.

Маслама ибн Абдулмаликнинг ўрнига Ирок волийси этиб тайинланган Умар ибн Хубайра Саид ибн Абдулазизни Хуросон волийлигидан четлатиб, Саид Хорошийни (722-723) волийликка тайинлади. Саид Хороший ҳам Мовароуннахрга юришни давом эттирди. У Сугдга 723 йилда келиб, барча амалдорлар ва заминдорларни араблар билан тузилган аҳдга қайтишга чақирди. Унинг чакириги самара бериб, бир гуруҳ амалдорлар ўз одамлари билан таслим бўлди.

Фақат Панж ҳукмдори Деваштич (ваф. 723) ва баъзи мулкдорлар унга бўйсунмадилар. Улар Хўжандга чекинди. Саид Хороший Хўжандга қочиб кетган сугдларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб борди.

Саид Хороший Хўжандда сугдларни қатл этгандан сўнг уларнинг бошлиғи Панж ҳукмдори Деваштичга қарши қўшин юборди. Деваштич Муг тоғидаги мустаҳкам

калъасида эди. Араблар калъани камал килдилар ва Деваштични ҳам хийла йўли билан кўлга олдилар. Калъада колганлар эса араблар билан сулх тузиб, калъани уларга топширдилар. Араблар калъадаги бор мол-мулкларни сотиб, пулини ўзаро бўлиб олдилар. Кейин Саид Кеш хукмдори билан 10 минг бош кул беришга сулх тузди. Бу вақтда Ирок волийси Умар ибн Хубайра Хуросон волийси Саид Хорошийга мактуб ёзиб, Деваштични озод этишни буюди. Лекин Саид унга кулок солмасдан, Кешдан Самарканднинг Рабинжан мавзеига келганда, Деваштични катл этди(Ал-Балазурий. Футух ал-булдон, Хуросоннинг фатх этилиши Сўзбоши, араб тилидан таржима, шарҳдар, изохлар ва кўрсагкичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. - Тошкент: ООУ 2017. - Б. 328-330.).

Муг тогида Деваштичнинг 80 дан ортик мактуб ва бошка хужжатлардан иборат шахсий архиви топилган. Хужжатларнинг асосий кисми сугд тилида, битта мактуб араб тилида, битта мактуб кадимги туркий тилда ва битта мактуб хитой тилида ёзилган. Сугд тилидаги хужжатлардаги маълумотларга кўра, Деваштичнинг атрофидаги энг нуфузли амалдорлар Уттегин, Курчи, Утт каби туркий исмлар, шунингдек, тархон ва тегин каби унвонлар билан аталган. Муг тогида топилган араб тилидаги хужжатдан маълум бўладики, кўзголон кўтаришдан олдин Деваштич Хуросон волийси амир Жаррох ибн Абдуллох (717 -719 йилларда хукм сурган) нинг мавлоси бўлган, яъни унинг ёрдамида ислом динини қабул килган. Бирок кейинчалик араблар билан келишмовчиликлар юзага келиб, Самарканд хукмдори Гурак билан кўзголон кўтарган.

"Ислом тарихидан олтин саҳифалар" китобидан